



# ИШОНЧИ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 28 сентябр, сешанба № 136 (783)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА

Тошкентда «Ўзбекистон-Моторола-Телеком - Радио» («УМТ-Радио») қўшма корхонаси очилди.

Корхонанинг иш бошлаши мамлакатимизда телекоммуникация ва радиоэлектроника sanoati бозорининг ривожланишига катта ҳисса қўшади.

Корхонанинг тақдимот маросимида Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Лерик Ахметов сўзга чиқиб, АКШнинг «Моторола» компанияси билан мамлакатимизнинг «Узелтехсанот» уюшмаси ҳамда «Онйк» акциядорлик жамияти ҳамкорлигида иш бошлаган бу янги корхона МДХ давлатлари ичида ягона эканлигини таъкидлади. Бу республикамиз раҳбариятининг мамлакатимизда хорижий сармоядорлар учун барча зарур шарт-шароит ва қу-

лайлиқлар яратилишига қаратилган сиёсати натижасидир.

«Моторола» дунёдаги телекоммуникация ва радиоалоқа, ҳарбий ва фазовий қурилмалар sanoati учун техника ишлаб чиқарувчи энг йирик компанияларнинг биридир. Бош корхонаси АКШда жойлашган мазкур компаниянинг турли мамлакатлардаги жамки корхоналаридан 130 мингдан зиёд ходим хизмат қилиши ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди. Бундай нуфузли компаниянинг Ўзбекистон билан кенг ҳамкорликни йўлга қўётгани мамлакатимиз жаҳон иқтисодиёти билан интеграциялашуви учун барча имкониятларга эга эканини кўрсатади.

Умуман, Ўзбекистон иш-

билармонлари «Моторола» билан 1997 йили ҳамкорлик ўрнатган эди. Утган қисқа давр ичида бу ҳамкорлик кенгайиб, «Моторола» Ўзбекистон телекоммуникация бозоридан мустақкам ўрин эгаллади. Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган юзлаб компаниялар, корхоналар, хусусий шахслар «Моторола» маҳсулотлари хизматидан фойдаланмоқда.

Янги қўшма корхона дастлаб Ўзбекистон бозорининг эҳтиёжини қондирса, сўнг ўзи маҳсулотларини хорижга экспорт қила бошлайди. Энг муҳими, унинг очилиши мамлакатимизга янги технологиялар кириб келишига, янги иш ўринлари яратилишига, ҳалқимиз фаровонлиги ошишига ҳисса қўшади.

(ЎЗА)

## 1999 йил - аёллар йили



Чуст туманидаги «Варзик» қишлоғида «Бизинтруд-Чуст» мўъжазгина тикувчилик фабрикасининг фаолият кўрсата бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин шу қисқа вақт мобайнида фабрика жамоаси яхши натижаларга эришди. Энг муҳими, корхона ўзи хариддорларига эга бўлди.

Вилоят «Бизнес-фонд» ва Германиянинг «ПФАФФ - Зингер» фирмаси ҳамкорлигида барпо этилган бу янги корхона ҳудуддаги ишсизлик масаласини бартараф этишда қўл келди. Натижада қишлоқ аёлларидан 80 нафар фойдали меҳнатга жалб этилди.

Корхона раҳбари Инобат Ашурматованинг таъкидлашича, фабрикада 2000 йилда яна 45 ишчи ўрни яратилиши билан бирга жаҳон бозори талабига мос келадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Суратларда: 1. Тикув чеҳида иш қизини. 2. (Ўнгдан чапга) корхона бичувчиси Фарид Имомова, корхона раҳбари Инобат Ашурматова ва бичувчи - уста Муҳаррам Раҳмонова ўзаро фикрлашмоқда.

Ш.ОЛИМОВ (ЎЗА) олган суратлар.

## Жўшқин ҳаёт нафаси

### СУЪРАТ ВА СИФАТ

Бухоро вилояти пахтакорлари пахта теримини тобора жадаллаштириптилар. Ҳар кун дала-лардан белгиланган режанинг 5-5,5 фоизи миқдориди «оқ олтин» йиғиштириб олинмоқда. Шофиркон, Вобкент, Гиждувон ва Қогон туманларида бу кўрсаткич 6,5-7 фоизни ташкил этапти. Йиллик топишириқни атиги 5-7 кунда, биринчи теримдаёқ удалаган бригадалар, фермер хўжалиқлар сони кун сайин кўпаймоқда.

Вилоятда бу йил ҳосилни йиғиштириб олишга янгича ёндошилди: оммавий йиғим-теримга ўтган йилга нисбатан 10-15 кун кеч қиришилди. Олимлар, мутахассислар, тажрибали деҳқонлар бундан қийинча изохлашди: ҳосилнинг 80-90 фоизи очилгандан сўнг теримга киририлганда пахтанинг намлиги кескин камайди, чигит сифати ортади, асосийси - хом ашё юқори навларга қабул қилинади.

Шундай қилиб, вилоятда 20 сентябрдан ялпи теримга киришилди. Далада ишловчилар учун зарур маданий-مائий шaroитлар яратилди. Ҳисоб-китоб ҳар беш кунда амалга оширилмоқда. Тиббий ва савдо хизмати дала шийонларига қўйрилди.

### ЯНГИ НАВЛАР

Ўзбекистон сабзавот-полиэтил ва картошка экинлари илмий-тадқиқот институти Сурхондарё вилояти бўлимида янги, истикболли навларни яратишга катта эътибор берилмоқда. Жумладан, «Сурхон», «Намуна» нави помидор кўп йиллардан бундан экиб келинаётган «Волгоград» навидан афзалроқ чиқди. Ундан Самарқанд, Тошкент, Қашқадарё вилоятлари деҳқонлари ҳам мўл ҳосил етиштирипти. Айни вақтда олимлар «Шафак», «Севара» деб номланган эртагишар ва янада ҳосилдор помидор, шунингдек бодринг ва картошка навларини синовдан ўтказишмоқда.

## РАНГ-БАРАНГ ФИЛЬМЛАР

Мамлакатимиз ўз мустақиллигига эришганидан сўнг Ўзбекистонда миллий киносанъат ҳам ривож топиб бормоқда.

Миллион-миллион томошабинларни ўзига мафтун этаётган кино санъатининг қатор намуналари ҳам яратилди.

Аёллар йили муносабати билан ҳам бир неча янги фильм суратга олинмоқда. Хусусан, «Аёллар салтанати» деб номланган наватдаги экран асарини суратга олиш ишлари бошлаб юборилди. Кинорежиссёр Юсуф Розиков бошчилигида яратилаёт-

ган бу фильмда муҳим ижтимоий масалалар ўз ифодасини топади.

Бир гуруҳ кино усталари томонидан яратилаётган «Парвозга рухсат берилди» деган янги фильм эса тугалланиши арафасида турибди. Ўзбек ўқувчисининг тақдирини тўғрисида ҳикоя қилувчи мазкур экран асаридида кўплаб истеъдодли актёрлар ролларини олиб чиқдилар.

Кичик томошабинларга ижодий армуғонлар сифатида қатор янги фильмлар устида қизгин иш олиб боришмоқда. «Кичкина табиб» деган янги болалар филь-

ми кўпчилик томошабинлар томонидан яхши кўтиб олинди. Ушбу ижод намунаси кейинги йилларда яратилган энг яхши болалар фильмларидан бири деб топилди.

«Жалолдин» деб номланган мультфильм ҳам кичкинтойларга бағишланган. Ҳозир бу экран асарини ниҳоятга етказиш устида қизгин иш олиб борилмоқда.

Биз тилга олган бу фильмларни яратишда «Ўзбекфильм», «Ватан», «Инсон» каби киностудиялар катта ижодий фаолият кўрсатмоқдалар.

## ҚИЗИҚАРЛИ, ТАЪСИРЧАН

Юқори Чирчиқ туманидаги Кавардон қишлоғида аҳолининг барча қатламлари, айниқса ёшлар ўртасида ҳуқуқий билим ва маданиятни ўстириш, жиноятнинг олдини олиш, диний ақидапарастликка қарши курашиш бўйича давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда қишлоқ фаоллари, маҳалла оқсқоллари, оддий меҳнатқашлар, соғлиқни сақлаш тизимларида меҳнат қилаётганлар, қишлоқ ёш-

лари ва уй бекалари иштирок этишди.

Давра суҳбатида Тошкент вилояти ёзувчилар уюшмаси раиси, шoir Махмуд Тоиров, туман халқ таълими бўлими мудири Тоҳир Норматов, туман ички ишлар бўлими бошлигининг муовини Мирсуҳбат Мирпўлатов, Янгибозор жоме масжиди имом хатиби Сирожиддин Камолхон ўғли, «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман бўлими раиси Иzzат Султоновлар сўзга чиқишди, баъзи бир ада-

шиб диний оқимларга қўшилиб қолаётган ёшлар, уларнинг афсус-надоматлари ҳақида тўхталиб ўтишди. Бундай воқеаларнинг олдини олиш учун эса барча бирдек меҳнат қилиши, ҳамisha хушёр ва оғоҳ бўлишлари лозимлигини таъкидлашди.

Бахс ва мунозараларга бой бўлган ушбу давра суҳбати кавардонликларда катта таассуротлар қолдирди.

Л. МАНСУРОВ.

Асака туманидаги Бобур номли хўжалиқда кузги бугдой экиш барвақт бошлаб юборилди. Ҳозирдаёқ қарийб эллик гектар ерга

## БАРАКА ЙИЛИ

барака уруги қадалди. Мавжуд 667 гектар ерга бугдойнинг «Уманка», «Қрошк» ҳамда бошқа серҳосил ва тезпишар элита навлари экилмоқда. Ўтган мавсумда галлакорлар шу навларни парваришлаб гектар бошига қарийб 90 центнердан ҳосил кўтарган эдилар.

## ТУҲФА

Ўзбекистон Фанлар академияси «Фан» нашриёти монографик тадқиқотлар, илмий мақолалар тўпламлари, илмий-оммабоп рисолалар, олим ва ёзувчиларнинг мукамал асарлари тўпламларини чоп этиб, кўплаб китобхонлар маънавий камолотига муносиб ҳиссани қўшиб келмоқда. Нашриёт томонидан чоп этилаётган турли лугатлар ҳам кўпчилик китоб жавонларидан ўрин олмоқда.

Кейинги йилларда босиб чиқарилган лугатлар халқ хўжалигининг деярли барча соҳаларини ўз ичига қамраб олди. - дейди нашриёт директори Наримон Ҳотамов. - «Шишасозлик технологияси оид атамалар ва бирикмаларнинг русча-ўзбекча қисқача лугати», «Қишлоқ хўжалиги машиналари атамаларининг русча-ўзбекча лугати» каби на- шрлар ҳам оммалашиб кетди.

Биз сабзавотчилик, экологияга доир лугатларни ҳам кўп нусхада чоп этдик.

Илм-фаннинг турли соҳалари бўйича яратилган лугат адабиётлари мутахассислар, умуман ўқувчилар кенг оммасига яхши соғва бўлди. Геология, физика, кимё, биология сингари фанлар тадқиқи асосида тайёрланган русча-ўзбекча лугатлар ҳам юзага келди. Шунингдек, «Муҳандислик геологияси атамаларининг русча-ўзбекча лугати»дан мутахассислар ва таржимонлар кенг фойдаланмоқдалар.

Келгусида ҳам бундай оммабоп на- шрларни чоп этиш ишлари давом этирилади.

## Мавзуга қайтиб

Бир неча кун илгари матбуот саҳифаларида Қирғизистоннинг Боткен туманига кириб олган босқинчи тўдалар халқаро террорчилик марказларидан ташқари, наркомания билан ҳам мустақкам алоқада эканини ёзган эдик. Қуни кеча Қирғизистон жанубида юз берган воқеалар бунга бир қарра тасдиқлади. ПАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарда айтилишича, Боткендаги жангарилар ташлаб кетган ҳудудларда шприцлар, шунингдек, наркотик модда солинган ампулалар топилган. Бу хабар Қирғизистон армиясининг Боткендаги бўлиmlаридан олинган маълумотларга таяниб, Шундай қилиб, разведкачилар ўтказган рейдлар натижасида жангариларнинг наркoбизнесга алоқадорлигини яна ҳам аниқлашди.

Хабарда таъкидланишича, босқинчилар ҳукумат қўшинлари билан жангга киришишдан аввал наркотик модда истеъмол қилган. Уларнинг сархуш ҳолда урушаётганини эса, жангарилар жанг майдонидида ўзини қандай тутишидан ҳам осон билиб олиш мумкин экан. Ҳарбий мутахассислар фақат оғу таъсиридагина шундай хатти-ҳаракат қилиш мумкин, деган фикрни билдирмоқда. Яъни, жангарилар урушар экан, баъзида беухшов, баъзида бетартиб, баъзида эса оддий жанг тактикасига зид равишда «саводсиз» ҳаракат қилади. Уша пайти улар бир дайид ўқ муқаррар ҳаракат эканини англамайди ёки зуравонлики мейёрдан ошириб юборида ва ҳоказо.

Қирғизистондан келаётган хабарларга қўра, жангарилар Хўжа Очкан, Зардоли, Қўрғон ва бошқа қишлоқларда тинч аҳоли билдирмоқда. Яъни, жангарилар урушар экан, баъзида беухшов, баъзида бетартиб, баъзида эса оддий жанг тактикасига зид равишда «саводсиз» ҳаракат қилади. Уша пайти улар бир дайид ўқ муқаррар ҳаракат эканини англамайди ёки зуравонлики мейёрдан ошириб юборида ва ҳоказо.

вакилларга зўғум ўтказиб, қурол ўқталган ҳолда уларни турли оғир ишларни бажаришга мажбур қилмоқда. Жумладан, одамларнинг мол-ҳоллари, озиқ-овқатини тортиб олаётган, ёши, жинси ва жисмоний ҳолатига қарамай, уларни хандак қазиб, истеҳкомларни мустақкамлашда ишлатмоқ-

орасида ўз қучига ишонмаслик, тушқунлик кайфияти ҳукмрон. Бу хусусда Қирғизистон Президенти маъмурияти баёнот бериб, босқинчилар орасида ишонсизлик ҳоллари, ўзаро ғараз, парокандалик тобора авж олаётганини айтди. Айтиш мумкинки, жангариларнинг хатти-ҳаракати

да ҳукумат қўшинлари билан бўлган наватдаги тўқнашувда жангарилар орасида ўзига хос мавқега эга бўлган Абдулазиз Йўлдошев ҳалок бўлди ва унинг жасади жанг майдонидида қолиб кетди. Ваҳоланки, жангарилар шу кунгача бирор марта ўз сафдошларининг жасадини қолдириб кетмаган эди. Бундан хулоса шукки, ё жангарилар уни ўлдириб шу ерга ташлаб кетган ёки унинг ҳалок бўлганидан ортиқча қайғуда эмас. Демак, тўда орасида А.Йўлдошев билан келиша олмай юрганлар анчагина.

Илгари хабар қилинганидек, жангариларнинг қарийб ярмини 18-20 яшар ўсмирлар ташкил қилади. Уларнинг қўлчилиги бошқиларнинг зўравонлиги остида сафни тарқ етолмай юрибди. Хуллас, сўнгги воқеалар жангарилар шаҳидининг сўсаятганидан, хуфя қилмишлари аста-секин зоҳир бўлиб, асл башаралари очилаётганидан далолат бермоқда.

(ЎЗА)

Тошкентдаги «Юнусов» спорт мажмуида «Дэвис Кубоги» уйинларида ўзбекистонлик ва чехиялик теннисчиларнинг мусобақаси туғди.

Чехлар галаба қозонса, жаҳондаги энг кучли 16 команда қаторидаги жаҳон гуруҳларида ўз мавқеини сақлаб қолаверди. Ўзбекистонликлар учун эса галаба шундай гуруҳга кириш имконини беради. Шунинг учун ҳам икки ўртада қаттиқ кураш кетди.

Мусобақа бошланган кун жуфтликлар учрашувида ўзбекистонлик Олег Огородов ва Вадим Куценко чехлар Иржи Новак ва Давид Рикломга қарши майдонга тушди.

Биринчи учрашуви чехлар 6/3 ҳисобида ютишди. Лекин иккинчи ва учинчи учрашувда омад хали у томонга, хали бу томонга ўтиб турди. Аммо чехлар капитани Ян Кукал матбуот ан-

## ЧЕХЛАР ГОЛИБ БЎЛИШДИ

жуманида Тошкентга энг кучли теннисчиларни олиб келдим, деб бежиз айтмаган экан. Иккинчи учрашувда чехлар 6/2, учинчи учрашувда 7/6 ҳисоби билан ўйинни ютдилар.

Яккама-якка беллашувда ҳам чехлар жисмоний жиҳатдан яхши тайёргарлик кўрганликларини ва юксак спорт маҳоратини намойиш қилдилар. Олег Огородов билан Питер Крайерт беллашуви икки учрашувда 6/3, 6/2 ҳисобида чех теннисчиси галабаси билан туғди. Вадим Куценко билан Давид Риклом учрашуви ҳам чехиялик спортчи фойдасига ҳал бўлди. Иржи Новак эса Вадим Куценкони мағлубиятга учратди.

Ўзбекистон Президенти Кубоги учун мусобақада чиройли ўйин кўрсатиб, ўзбекистонлик теннис мухлисларига ёки қолган Даниэл Вацек Олег Огородов билан учрашуви 7/5, 6/3, 6/4 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди.

Команда ҳисобида чех теннисчилари галаба қозониб, жаҳон гуруҳида қолиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Ўзбекистон теннисчилари эса ҳозирча жаҳоннинг 24 командасидан иборат кейинги гуруҳда қолди.

Ф.ЖАМОЛОВ.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг III қурултойи олдидан

- Дилбар Набиевна!

Бозор шароити ҳар бир партия, ташкилот, корхона, муассаса олдига ўта масъулиятли талаблар қўяётган бир шароитда касаба уюшмалари меҳнатқашлар манфаати, ҳақхуқуқининг устувор ҳимоячиси, деган шарафли номни қай даражада оқлаётми?

- Чиндан ҳам давр омилкор, қатъиятли, масъулиятни дадил зиммамизга олиб фаолият юритишни тақозо этмоқда. Биз касаба уюшмаларининг барча бўғинларидан ички интизом мустаҳкамлашига, аниқроқ айтганда, тизимда федерализм тамойили мустаҳкам таркиб топишига алоҳида эътибор қаратиб келаяпмиз. Бу эса меҳнатқашлар манфаатини ҳимоя қилишнинг етакчи омилдир. Зеро, Уставада: «Касаба уюшмаларининг бош вазифаси касаба уюшмалари аъзоларини меҳнат, ижтимоий, иқтисодий, маънавий, ақлий ҳуқуқлари ва манфаатларини муҳофаза қилишда ҳаракат бирлигини амалга оширишдан иборатдир», дея алоҳида қайд этилган.

Биз меҳнатқашларга яқин бўлиш, уларнинг орзу-интилишлари, дарди билан яшаши фаолиятимизнинг бош йўналиши деб биламиз. Федерациямиз эшигига умид билан келган ишдан ноҳақ бўшатишган, товон пулини ундирилмаётган, ёки шу каби ёрдамга муҳтож кишиларнинг мушкулни осон этиб, чеҳраларида табассум кўрганмида бунга чуқурроқ ҳис этаман. Федерациямизга шу йилнинг саккиз ойи мобайнида тушган ёзма ва оғзаки мурожаатларнинг аксарияти ижобий ҳал этилди. Таҳлиллар, маълумотлар, келаятган хатлар меҳнатқашлар ишончи ортқиб бераётганлигини кўрсатмоқда. Мухими шу!

Бир фикрни очиброқ баён этасиз. Касаба уюшма ташкилотларида узок вақт бир ерда ўтириб қолган, сўст фаолият юритаётган кишилар оз эмас. Ҳисобот-сайловлар даврида бу масалага алоҳида эътибор бериб, билимдон, эътиқодли, изланувчан ва ташаббускор ёшларни кенг жалб этишга қарор қилинган. Бунга эришилаётими?

Ҳисобот-сайловлар арасида касаба уюшмалари тизимидаги бошланғич ташкилотлар, туман, шаҳар, вилоят кўмиталари раисларининг таркиби чуқур таҳлил этилди. Шунда Сиз таъкидлаганингиздек, ҳамон эскича фикрловчи, агар таъбир жоиз бўлса қотиб қолган ходимлар оз эмаслиги, маълум бўлди. Марказий кўмига раислари, вилоят кенгашилари раҳбарлари билан ўзаро кенгашиб, кадрлар таркибини ёшартириш тадбирлари пухта ишлаб чиқилди.

Ўз-ўзини танқид рўҳида, ошкоралик вазиятида ўтган ҳисобот-сайловларда вази- фасини ҳимоя қилишнинг етакчи омилдир. Зеро, Уставада: «Касаба уюшмаларининг бош вазифаси касаба уюшмалари аъзоларини меҳнат, ижтимоий, иқтисодий, маънавий, ақлий ҳуқуқлари ва манфаатларини муҳофаза қилишда ҳаракат бирлигини амалга оширишдан иборатдир», дея алоҳида қайд этилган.

сайловларда вази- фасини ҳимоя қилишнинг етакчи омилдир. Зеро, Уставада: «Касаба уюшмаларининг бош вазифаси касаба уюшмалари аъзоларини меҳнат, ижтимоий, иқтисодий, маънавий, ақлий ҳуқуқлари ва манфаатларини муҳофаза қилишда ҳаракат бирлигини амалга оширишдан иборатдир», дея алоҳида қайд этилган.

дан ҳам юқори бўлди. Бу маблагга жамоа шартномасида белгиланган ҳар хил устама, қўшимча ва рағбатлантириш тўловлари, моддий ёрдам пуллари, меҳнат муҳофазаси тадбирлари учун сарфланган маблаг ва бошқалар кирлади. Олдин қилиб ифодалаганда, агар ҳар бир ходим ўрта ҳисобда касаба уюшма аъзоси бадал тарзида йил давомида 650 сўмга яқин пул тўлаган бўлса, бунинг эвазига юқорида келтирилган 7450 сўм доирасида манфаат кўрган. Демак, сарф-харажатга нисбатан даромад 11 баробар кўпдир. Шунинг ўзи кўп нарсани ифодалайди...

Шу ўринда нима сибдан жамоа шартномаларини тузиш ишлари қониқарли бўлмаётганлиги хусусида ташқи бериб ўтсангиз?

си Конституцияси ҳамда сайлов тўғрисидаги қонунларда ўз ифодасини топган. Сайловлар демократияни мустаҳкамловчи, фуқароларда сиёсий онг ва демократик кўникмаларни шакллантирувчи омиллардандир. Эътиборли томони шундаки, мустақил Ўзбекистонимиздаги сайлов қонунчилиги турли халқаро ташкилотлар, хорижий экспертлар томонидан юқори баҳоланмоқда. Биламизки, айни сайлов орқали халқ ҳокимиятга ва бу ҳокимият олиб бораётган сиёсатга ўз муносабатини билдириш имкониятига эга бўлади. Чуқур ишонамизки, ошкоралик, адолат устувор бўлган жамиятимизда сайловлар чинакам демократик танаққуллар асосида, жаҳон андозаларига мос равишда ўтади.

- Ўзбекистон касабаси

ҳуқуқ-эркинликларининг мустаҳкам ва энг ишончли кафолати бўлган Президент сиёсати атрафида уйғунлаштиради. Зеро, давлатимиз томонидан олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсат касаба уюшмаларининг меҳнат кишисини ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятга янги омил бахш этади.

Олдимизда турган яна бир муҳим вазифалардан бири кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талабига кўра, фаолларини кенг қамровли ўқитиш тизимини намунали барпо этишдир. Негаки, уларнинг тафаккурини ўзгартирмай, дунё қарашини кенгайтирмай, боқимондалик кайфиятидан халос этмай туриб мақсадга эришиб бўлмайди.

Иккинчидан, жаҳон таж-

санаторийси, «Оқтош», «Турон», «Бўстон», «8-март» сихаттоҳларида махсус бўлимлар очилди. Буларнинг ҳаммаси аёлларимизга бўлган катта эътибор, эъзоз рамзидир.

Сизни шу кунларда кўпроқ нималар ўйлантирляпти?

Ҳар бир инсон, у ким бўлишидан қатъий назар, аввало, она юртининг қамоли, тинч-хотиржамлиги ҳақида ўйлайди. Шубҳасиз, Боткен воқеалари мени, демокки, барча касабаси уюшма фаолларини чуқур ташвишга солимоқда. Жонсарақлигимнинг яна бир боиси кенжа фарзандим - Жаҳонгир Ватанимиз чегараларини ҳимоя қилаётган аскарлар сафида хизмат қилмоқда. У юрт қорига яраётганидан, ўз фарзандлик бурчини оқлаётганидан фахрланаман. Айни пайтда она сифатида кўпинча хаёлим фарзандимда бўлади...

Кўшнинг уйда нотинчлик бўлса, сен ҳам хотиржам бўлолмайсан. Шу ўринда муҳтарам Президентимизнинг «Манас» эпосининг минг йиллиги тантаналарида айтган сўзларини эслаш ўринли: «Бизнинг ота-боболаримиз: «Бозоримиз ҳам, мазоримиз ҳам бир» деб ўтганлар. Яхши-ёмон кунларда қисмат синовларини биргаликда бошдан кечирганлар, босқинчи ёлларга қарши бирга курашганлар, ўстлик бурчида ҳаммиса содиқ қолганлар».

Шубҳа йўқки, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Фидокор халқимиз ўзининг бутун саъи-ҳаракати билан бунга амалда ишлатиб келмоқда. Биламизки, террорчи гуруҳлар нима қилиб бўлса-да, Ўрта Осиёда нотинчликни келтириб чиқариш, қондош, жондош халқлар ўртасига низо солишга уринмоқдалар. Касаба уюшмаларида бўлиб ўтаётган ҳисобот-сайлов конференцияларида, йиғилишларида жангариларнинг ёвузликлари каттиқ қораланмоқда. Фаолларимизнинг кўнгли тинч, иродаси мустаҳкам. Боиси, Боткен туманида рўй бераётган воқеалар бизнинг юртимизда террорланмаслиги учун оқил ва жасур Президентимиз, ҳукуватимиз барча чора-тадбирларни кўрмоқда. Чегараларимиз мустаҳкам, Қуролли кучларимиз қудратли, фуқароларимиз тинчлиги тўла таъминланган. Шундай кезларда етти миллиондан ортиқ касабаси уюшма вакиллари чексиз садокати, ватанпарварлиги тўла намоён бўлмоқда. Улар, лозим бўлса, Ватан учун жонни тикшишга тайёрмиз, дейишмоқда.

Юқорида баён этилган ҳаётий муҳим муаммоларни ҳал этишда касабаси уюшмалари ҳам етакчи рол ўйнаши керак. Шундагина меҳнатқашлар уларни ўзининг ҳақиқий ҳимоячиси сифатида тан олади, кадрлайди!

Сўбатдош: Мирғиб ҚАЮМОВ.

МҲМАЙ ДАРОМАД

Бунга авваламбор мўл ҳосил этиштирилгани, қолаверса, меҳнат қадр топаётганлиги боис эришилмоқда

Тўртинчи бригада етакчиси Ҳасанбой Саматовнинг сўзларини эшитиб, тўғриси, ишонмадик. Бир кунда ўттиз фоиз?! Лоф ҳам эви билан-да. Ҳа, беш-олти, боринги, ўн де, нима қиласан қуруқ аравани олиб қочи!

Бригадир кўзимиздан шубҳа-ғумонларни ўқибми, ёйилиб қулди.

- Рост айтяпман, - деди у яна сўзларини такрорлаб. - Бундан ҳам оширардик-ку, улов этишмаепти.

Ҳасанбой даланинг ҳар жой - ҳар жойида уюлиб ётган хирмонларга ишора қилди; сўнг босиб пахта ортилган учта тележкага диққатимизни тортиди.

- Кечгача ўттиз тўрт тонналарни кўзлаб турибмиз. Бу... - Ҳасанбой узунасига булганган ён дафтаришини очиб, ўзича нималарнидир ҳисоблайди. - Бу режага нисбатан нақ ўттиз фоиз деганидир.

Кизиқиб, бригадирни гапга тутамиз. - Бундан чикди, яна икки-уч кундан кейин, 1 октябрғача режани бажарар экансизлар-да?

- Нималар деяпсиз, - суҳбатдошимиз хожига ёйилиб қулади. - У пайтда мажбурийат босибга пахта топшираётган бўламиз.

Беихтиёр яқинда бўлганимиз ҳўжаликда шундай бригадирлардан бири мажбурийат тугул, режа тўғрисида ҳам муҷмалланиб, тўғри жавобдан ўзини олиб қочи, охири ҳеч бўлмағач, яхши-си, ҳеч нарса ёзмай қўяқолинглар, дея хижолат ила илтимос қилганлиги ёдга тушади. Ҳасанбойнинг эса пахтаси каби гаплари ҳам йиғилиб қолган экан, хирмон-хирмон қилиб уюб ташлади.

Бригадир бу ютуқларни меҳнат қадр топаётганлиги ва шу боис барчада меҳнатга муносабат ҳам ўзгариб бораётганлиги билан изоҳлади. Маълум бўлишча, бултур пахта зўрга бир марта сўғорилган, боз устига зарур ўғитлар билан таъминланган ҳам ўлда-жўлда қилиб кетган экан. Бу йил гўзалар уч марта қониб сув ичибди, фосфор ва азотга қонибди. Шунинг учун бўлса керак, ҳар бир тупда қамида йгирма-ўттиз бўлиқ кўсак ичига сиғмай турибди.

- Шуларнинг ярми очилиб, териб олганимизда ҳам ҳаммаёқни пахта босиб кетади, - дейди Ҳасанбой ҳаяжондан ўзини қаерга қўйишини билмай.

Илғор теримчилар билан танишамиз. Холбуви Алметова - кунига 180 килограммга етказиб этак бўшатаётди. Дилноза Мусаева ҳам ўзига хос бу бахсда ундан қолишаётгани йўқ. Дарвоқе, ўтган беш кунликда уларнинг ҳар бири 13 минг сўмдан пул санаб олишибди. Қозон ҳам мой, чўмич ҳам мой деганлари шу бўлса керак-да!

Бугун барчанинг тилида механизация бухгалтери Мамарайим Ҳулоловнинг номи. Нима дейсан, мавсумни далада ўтказиш учун атайлаб меҳнат таътилига чиқибди. Балки хўрматли муштарийларимиздан баъзи бирлари, ҳа энди шунга шунча шов-шувми, беш-ўн сўм ишлаб олай дегандир-да, дея қўл силташга улгургандирлар ҳам. Ҳамма гап шундаки, Ҳулоловлар бутун оила бўлиб далада жавлон ураётирлар ва ҳар кун ярим тонна пахта териб, хирмонга топшироқдалар. Энди бир ҳисоблаб кўринг-а: бир кунда 4 минг сўм! Ёмонми? Ўн кунда 40 минг, бир ойга...

Дарҳақиқат, Жиззах туманидаги Навой номи- ли ширкат ҳўжалиги учун бу йил пахта йили бўлди, деганларича бор. Бригадалар бир теримдаёқ режани бажаряптилар. Ҳосилдорлик ўртача 28-29 центнерни ташкил қилмоқда. Бепояён далалар эса худди қўл тегмағандек, ҳар туп гўзада яна ўнлаб кўсаклар сўтга ўхшаб қайнаб чиқаётган лўппи пахталарни қафтга сиғдира олмай, мени териб ол, мени териб ол, деб илтисо ила боқиб турган сингари...

Шу кунги режани удралаган «Алибобо» фермер ҳўжалиги ва Гани Аширматов етакчилиги қилаётган бригада далаларида ҳам шундай манзаранинг гувоҳи бўлдик. ким билан сўзлашманг, 40-45 центнерлик ҳосилдан гап очади.

Раисга идора олдидан, машинадан тушаётган пайтида дуч келдик. Шўҳрат Алимов ҳам дала айлиниб юрган экан. Кувончини яширолмади.

- Агар сурьатни бўшатириб қўймасақ, октябрнинг ўинчиларига режани удралаймиз. Энг муҳими, одамлар шижоат билан меҳнат қилишмоқда.

Раиснинг қадами кўтлуг келди, деган гапларни кўп эшитдик ҳўжаликда бўлганимизда. Қачондан бери бажарилаётган галла режаси удраланибди, пилла ортиги билан адо этилибди. Мана энди пахта... Табиийки, бу кўтлуглик сабабига ойдинлик киритиш нияти туғилади. Ойдинлик киритдик ҳам, Билдик. Янги раис ҳеч қандай Америка очмабди. Шунчаки, ҳар қандай виждонли раҳбар қандай ишласа, ишни шу йўсинга йўналтирибди. Иш жойи тайин, иш ҳақи тайин бўлгач, бу ёғи ўз-ўзидан бўлиб кетаверар, фақат озроқ ухлаб, кўпроқ елиб-югуриш керак экан.

Ҳўжалик галладан 23 миллион сўм даромад олган эди. Ҳисоб-китобларга қараганда, пахтадан келадиган даромад 46 миллионга етади. Ҳа, йил якунидан ҳўжалик аъзоларининг умиди катта. Меҳнатимиз зое кетмади, дейишяпти, улар бугун кувониб.

Зайниддин РИХСИЕВ, «Ишонч» муҳбири.

БҲЮЮК ҲЗГАРИШЛАР ЖАРАЁНИ

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси раиси Дилбар Жаҳонгирова билан мусоҳаба

ши қарорига мувофиқ қасаба уюшма органлари аппаратларининг ходимлари 20-25 фоизга қисқартирилди. Шу кунга келиб ҳисобот-сайловлар давомида 200 та бошланғич ташкилот, 47 та бирлашган касабаси уюшма кўмитаси, 18 та шаҳар кўмитаси фаолияти қисқартирилиб, йириклаштирилди. Фақат агро- саноат мажмуи тизимида 177 та туман кўмиталари раисларининг ўринбосарлари лавозими қисқартирилди.

Кўриниб турибдики, ҳисобот-сайловлар кадрлар таркибини иқтидорли ёшлар ҳисобига мустаҳкамлаш, жанговарликни оширишда беқияс аҳамият касб этмоқда.

Касаба уюшмасига аъзо бўлиш оддий меҳнатқашга нима беради?

Барча жабҳаларда туб ислохотлар изчил амалга оширилаётган, бозор муносабатлари жадал шаклланаётган бугунги кунда касабаси уюшма аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш вазифаси биринчи ўринга чиқмоқда. Мақсадга эришишда жамоа Битимлари, жамоа шартномаларининг аҳамияти беқийсдир. Бу меъёрий ҳужжатлар муайян ишчи, хизматчи ёки деҳқонга нима беради, деган саволга лўнда жавоб бериш учун мисол келтириш мумкин. Бирок, ҳали бу борада олдимизда ҳал қилиниш лозим бўлган масалалар, ечимини кутаётган муаммолар жуда кўп.

Ҳозирги кунда бўлажак сайловларга барча ерда қизгин тайёрлик кўрилмоқда. Мамлакатимиз Президентлигида, Олий Мажлисида, вакиллик органларига сайловлар умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилиши Ўзбекистон Республикаси

Очиғи, фаолиятимизнинг айнан шу жабҳасида муаммолар кўп. Аввало, касабаси уюшма органлари корхоналар раҳбарлари билан ижтимоий шерикичилик тамойили асосида иш олиб бориш кенг қўламда йўлга қўй олмаяптилар. Оқибат-натияжда, минглаб меҳнатқашлар касабаси уюшмаларининг ижтимоий ҳимоя тизимида узок вақт четда қолиб келди. Боз устига қатор нодавлат сектори корхоналарида касабаси уюшма ташкилотлари тузилган бўлса-да, уларда ходимлар манфаатларини ифодаловчи ҳужжат - жамоа шартномаларини тузиш ишлари қониқарли бўлмапти.

Федерация Кенгаши бунга ҳисобга олиб, ўз Раёсатининг кенгайтирилган йиғилишида ўта долзарб масалани атай- атай долзарб қилиб чиқиб, қатъий қарор қабул қилганидан сўнг ўшбу йўналишда муайян силжисларга эришилди. Жумладан, қасаба корхоналарда кўшма уюшма ташкилотлари тузилади. Бунга Намангандаги «Тек-МЭН», Фарғонадаги «ДЭУ Текстайл», «Деларос», «Кўнчи», Жиззахдаги «Ут-Жизантеп», Самарқанддаги «Самарқанд саховати» каби йигирмага яқин корхоналарни кўрсатиш мумкин. Бирок, ҳали бу борада олдимизда ҳал қилиниш лозим бўлган масалалар, ечимини кутаётган муаммолар жуда кўп.

Ҳозирги кунда бўлажак сайловларга барча ерда қизгин тайёрлик кўрилмоқда. Мамлакатимиз Президентлигида, Олий Мажлисида, вакиллик органларига сайловлар умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилиши Ўзбекистон Республикаси

уюшмалари ўзининг учинчи қурултойига қандай янгиликлар билан келмоқда?

Касаба уюшмалари меҳнатқашлар манфаати, ҳақ-хуқуқининг устувор ҳимоячиси сифатидаги маъқега тўла муносиб бўлиши учун замон руҳи, талаби, бозор шароитларини ўзида тўла мужассам этган фаолиятимизнинг том маънодаги дастурилама бўла оладиган меъёрий ҳужжатларга эга бўлишимиз лозим. Шу боис Ўзбекистон касабаси уюшмаларининг ишчи гуруҳи фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитида Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси таркибидаги касабаси уюшмаларининг ҳаракат Дастури лойиҳасини, шунингдек, демократик тамойилларни мустаҳкамлаш билан бирга ташкилотлар, ижрочилик ҳамда молиявий интизомни намунали йўлга қўйишга қўшимча қилаётган Уставага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги тақлифларни тайёрламоқда.

Янги дастур аввалгисидан қай жиҳатлари билан фарқ қилади, деган савол бўлиши табиий. Тақлиф этилаётган дастур ўзида Ўзбекистон Президенти Исрол Каримовнинг Олий Мажлиси ўн тўртинчи сессиясидаги маърузасида жамиятимизни изчил ривожлантириш, ислоҳ қилиш хусусидаги чуқур ўйлари, қимматли фикр, мулоҳазалари тўлақонли мужассамини топган. Касаба уюшмалари «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» деган олий ният остида ҳаракат қилиб, ўзининг бутун саъи ҳаракати, тажриба ва ташаббуси

Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Конституцияси, фуқаролар


рибаси асосида янги молиявий фаолиятни жорий этилмоқда. Бу давр талаби. Боиси, маблаглар касабаси уюшмалари кадрларини тайёрлаш, уларни ўқитиш, малакасини ошириш, ахборот тизимини тузиш, ўз босмажаммасига, телевидениеда доимий каналга, жаҳон талаблари даражасида фаолият юрита оладиган экспертларга, юқори малакали иқтисодчиларга эга бўлиш, социологик тадқиқотлар ўтказиш, ўқув соғломлаштириш мажмуаларини барпо этиш мақсадлари учун сарфлашимиз лозим. Мақсадга эришишда хорижий ҳамкорлар билан алоқа мустаҳкамланаётганлиги муҳим омил бўлмоқда. Яқинда хайри ишга қўл урилди. Дания ишчилар маорифи уюшмаси раҳбарлари Федерациямизда бўлишиди. Бўлиб ўтган жонли, қизиқарли фикр алмашувлар асосида мазкур уюшманинг Тошкент, Андижон шаҳарларида очилиши мўлжалланаётган ўқув марказининг лойиҳаси муҳокама этилди. Хайри иш амалга ошса ва унинг шарофати билан ўқув маркази ишга тушса, курсларни битирган касабаси уюшма ходимлари бозор муаммоларини омилиқ билан енгиб, тадбиркорлик, ташаббускорлик кўрсатиб ишлаш маҳоратини эгаллаш имкониятига эга бўладилар.

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Аёллар йили кўни- сибати билан қабул қилинган махсус дастурни изчил амалга оширмоқда. Унга қўра, аёлларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, саломатликларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилляпти. Шу мақсадда қатор шифо масканларида, жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой шаҳридан унча узок бўлмаган ерда жойлашган «Тозақўл» овулида «Оналар ва болалар»

Бухоро вилоят ўрмон ҳўжалиги бош қорхонаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишига муносиб ҳисса қўиши билан бирга иқтисодийтн юксалтиришга қаратилган имкониятлардан оқилона фойдаланиб келаяпти. Бу ерда турли рўзгорбоп буюмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Муҳим ишда Шофиркон ўрмон ҳўжалиги ходимлари намуна бўлишмоқда. Янги ташкил этилган цехда саккиз турдаги буюмлар тайёрланмоқда. Савдо тармоқларига чиқарилаётган стул, бешик, бежирим саватларга талаб тобора ортмоқда.

Суратларда: 1. Тайёр маҳсулотлар. 2. Ёшлар мурабийси Номозбой Каиллов.

Т.ҲАМРОКУЛОВ олган суратлар.



**Биз узок вақт давомида буюк ўтмишимизни унутишга махкум этилдик. Дилимизга ёт мафқурани онгимизга синдиришга мажбур эдик. Худоба шукурки, мустақилликка эришдик. Миллат озодлиги, она юрт мустақиллиги, эрк ва адолатнинг мангу галабаси учун жон фидо қилган, адоват ва зулмнинг мафқ этилиши ва ҳақиқатнинг тантана қилиши йўлида машаққат чекканларнинг ёрқин хотирасини эъзозлашга давлат этаётган йўлбошчимиз яна бир савоб ишга кўл урди.**

**Президентимизнинг 1999 йил 12 майдаги Фармойиши билан мустамлакачилик даврида катагон қилинган эрксева ва юртпарвар инсонлар хотирасини абадийлаштириш, уларнинг ҳаёти ва фаолиятини, илмий-ижодий меросини чуқур ўрганиш бўйича жамоатчилик комиссияси тўзилди.**

**Катагонга учраганлардан бири Алихонтўра Шокирхонтўра ўғли эди. Мустақилликка эришганимиздан кейин, ватандошимиз Алихонтўра Соғуний тўғрисида кўплаб мақолалар чоп этилди. Биз бу улуг зот, диний ва дунёвий билимлар узуксиз тўғрисидаги асосий маълумотларни унинг фарзандлари, набиралари, шоғирлари ва шахсий архивидан олдик.**

Алихонтўра 1885 йили Туркистоннинг Боласоғун шаҳри (ҳозирги Қирғизистоннинг Тўқмоқ шаҳри)да ўзбек оиласида дунёга келди. Соғуний тахаллуси туғилган шарҳа ишорадир.

Унинг оталари Шокирхонтўра Зиёдхонтўра ўғли асли андижонлик, уртаҳол деҳқон бўлиб, ўғиллари Алихонтўра ва унинг акаси Олимхонтўрани етарли илм олишлари учун Маққа ва Мадинада, кейин Бухоро мадрасаларида ўқитди. Доимо илмга ташна Алихонтўра, айниқса табобат соҳасида ўз билимларини кенгайтириб борди. Она шаҳри Тўқмоққа қайтиб, табибикдан ташқари, кенг диний маърифатчилик фаолияти билан ҳам шуғулланди.

1914-15 йиллари у мачитга имомлик қилди. Ушадарва барча мачитлар, черковларнинг кўзла куриналири жойига Россия императорининг расми илб кўйилди. Мачит имоми пўшо расмининг девордан олиб, йиртиб ташлайди ва «Бизнинг ислом мачитида ким бўлишдан қатъи назар, бу ҳикимнинг расми туриши мумкин

эмас», дейди. Бу қилмиши учун у ҳибсга олинади. Қамқондан қафилликка олиниб, ёруғликка чиққандан кейин, Чор Россиясига, унинг олиб борган сиёсатига қарши нафрати кучайди. 1914 йили биринчи жаҳон уруши бошланиб, чор маъмурияти маҳаллий аҳолини фронт ортида ишлатиш учун мардикорликка сафарбар қила бошлади. 1916 йили эса Туркистонда оқ подшо зулмига қарши бирин-кетин халқ кўзголонлари бўлди. Алихонтўра қирғизларнинг қуролли чиқишларида фаол қатнашиб, улар шайқатсизларча бостирилгандан кейин Қошғарда сиёсий қочқин сифатида жон сақлади. 1917 йили Октябр инқилобидан сўнг, шўролар бутун дунёга жар солиб, хуррият ҳақида берган ваъдаларида умидвор бўлган Алихонтўра Ватанига қайтиб, аммо, кўп вақт ўтмайёк реал воқеалик бутунлай бошқача бўлиб чиқади. Қизил террор натижасида маҳаллий аҳолининг, умуман, ўқимишли арбобларнинг муттасил равишда катагон қилиниши, йўқотилиши, аҳолини иқтисодий томондан янги шўро ҳокимиятининг ҳуқуқсиз қўлларига айланганлиги

шунганлар. 1930 йилга келиб отамиз олтинчи марта қамқонилади бироқ кўп ўтмай турмадан қочиб, Шарқий Туркистон (Уйғуристон)га ўтиб кетадилар. Фулжа шаҳрида ўрнашиб бизни ҳам қақириб олдилар. Орадан уч йил ўтгач, Шарқий Туркистонда Қумул кўзголони бўлиб, отамиз унда иштирок этмасалар ҳам ҳасадгўйлар тўхмати билан яна қамқоладилар. Чунки, отамиз тез орада илмига амал қилувчи алломага, ҳалоллиги, жасур ва ҳождатбарор табиблиги туфайли кўпчилик уртасида катта обрў-эътибор қозонган эдилар. Маҳаллий халқ - уйғурлар би-

генерал Шэн Шицай аслида шўроларнинг кўғирчоғи эди. Шунинг учун Собик иттифокдан қочиб ўтган 200 нафардан зиёд зиёлилар қатори Алихонтўра ҳам қамқолади. Уйжийи мусодара қилинади. Бу воқеани Асилхонтўра шундай ҳикоя қилади: «Қарангки, Собик иттифокдан Фулжага қочиб ўтган муҳожирлар ҳибсга олинганда, рўйхат бўйича бир одам етишмасди. Бу менинг отам эди. Ҳибсга олиш бир кунда бўлганлиги учун мен дўстимдан эшитиб, отамни оғоҳ қилдим ва у киши ички қиймиди уйдан чиқиб кетдилар. Бутун ўлка бўйлаб қидирув эълон қилинди. Отам Қурач шаҳри бозоридан эс-

Алихонтўранинг обрусидан фойдаланишга қарор қилганликлари маълум бўлади. Алихонтўра ҳам маҳфий «Озодлик жамяти» тарафдорларини топиб, ватанпарварларнинг ҳарақат билригига эришадди ва улар тарафдорлари йилдан-йилга ошиб, асосий кучга айланади.

«Озодлик жамяти» раҳбарлигида 1944 йилнинг 7-10 ноябр кунлари қуролли кўзголон натижасида Фулжа шаҳри озод қилинди. Икки кундан кейин Шарқий Туркистон Ислон жумҳурияти барпо этилди ва Алихонтўра 12 вазирликдан иборат инқилобий ҳукумат раислигига сайланди.

Энди Шўролар ҳукумати шарқ чегараларининг мустаҳкам бўлганлигига ишонч ҳосил қилгач, инқилобий ҳукуматга бўлган муносабати тубдан ўзгариб, уларга ўз ҳайрихолигини билдирди. Алихонтўра етук ижтимоий ва давлат арбоби сифатида иш юритиб, умидвор халқ манфаатларига мос бўлган йирик тадбирларни амалга оширди. Ирқи, миллати, жинси, эътиқодидан қатъи назар, ҳар бир кишига эркинлик берилиши, ижтимоий ташкилотлар тузилиши, аҳолидан олинадиган солиқларнинг икки баробар қисқартирилиши таъминланди. Фулжа кўзголонидан беш ой ўтиб, тарқок оломон партия гуруҳлари асосида 1945 йил 8 апрелда мунтазам армия тузилишига эришилди. Қурол-аслаҳа Ўзбекистон, Қозоғистон орқали яриям яширин ҳолда Собик иттифокнинг тегишли идоралардан нақд олтинга ва молга-мол тарзида сотиб олина бошлади. Хитой кўшиқлари билан бўлган дастлабки жанглардан сўнг туша бошлаган кўплаб ҳарбий ўлжалар эвазига миллий армияни қуроллантириш муаммоси ҳам анча энгиллашди.

Хуллас, миллий армия шиддатли жангларда кетма-кет галабаларга эришиб, 1945 йил Хитой томонидан юборилган 85 мингли яхши қуролланган армияни сон жиҳатидан уч баробар кам армия билан тор-мор этди. Халқ ва армия олдидаги хизматлари учун Шарқий Туркистон ҳукумати қарорига биноан Алихонтўрага маршал унвони берилди. Лекин, мустақил Шарқий Туркистон давлатининг шон-шухрати борган сари ошиб бориши Собик иттифок раҳбарларини чўчитарди. Шунинг учун 1946 йилнинг июн ойида хоинона тузилган машъум режага асосан Алихонтўрани музокарага чақирган бўлиб, алдаб Фулжадан Тошкентга олиб келишадди. Бу воқеани Алихонтўранинг ўғли 1934 йилда туғилган иқтисод фанлари доктори, профессор Аҳмадёр Шокиров шундай эслайди: «1946 йилнинг бошида мени, отам Тожинисони ҳамда акам Мухаммадёрхонни Тошкентга олиб келиб, онамни даволаш ҳамда акамни ҳарбий билим юртига ўқишга берамиз деб ваъда қилишди. Кейин билсам, бу ишларнинг барчаси олдиндан режалаштирилган бўлиб, бизлардан кейин отамизни ҳам олиб келишди. Биз дастлаб бизга ахратилган жойда яшадик. Бизга бир неча одам хизмат кўрсатарди. Тошкентда алоҳида ҳовлида яшаганимизда эса деворларнинг қулоқлари бор эди. Хуллас, отамиз 30 йил уй қамоғида яшадди ва фаол сиёсатдан воз кечишга мажбур бўлдилар.»

Илхом ШЕРМУХАММАД.  
(Давоми бор)

## Сайловлар олдида АСОСИЙ МЕЗОН

Юртимиз истиклолга эришганига эндигина саккиз йил бўлди. Ана шу вақт ичида жаҳон андозаларига мос тарзда ҳуқуқий меъёрлар асосида сайлов ўтказилган эди. Бу галгиси - аввалгисидан янада ҳалқчилиги билан фарқ қилади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси-га сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 22-шарҳли моддасида ташаббускор гуруҳлар ҳамда мазкур йиғилишнинг ваколатли вакилини тайинлаш ҳусусида қоидалар бор. Қуш, бунинг моҳияти нимада?»

Маълумки, парламент депутатлигига сиёсий партиялар, ҳокимлик органлари ўз номзодларини кўрсатадилар, кўлаб-қувватлайдилар. Аҳоли зич жойларда, маҳаллаларда шундай қобилиятли, уздабурон, тадбиркор кишилар борки, улар номзодини халқнинг ўзи кўрсатади. Яъни, қонунда белгилангандек, тегишли ҳудуддаги сайлов округида 100 нафар сайловчилардан иборат ташаббускор гуруҳи тузилади. Улар мамлакат сиёсий ҳаётига ўз таъсирини ўтказиш мақсадига яхши билган ва ишонган номзодни Олий Мажлис депутатлигига кўрсатади. Буларни ҳеч қандай сиёсий партия ёхуд ҳокимлик вакилиги эмас, мустақил номзодлар деб таърифлаш мумкин. Шу боис, яқинда мустақил номзодларни кўлаб-қувватлаш Маркази ҳам ташкил қилинди. Бу эса сайловларни том маънода ҳалқчил эканлигини кўрсатувчи асосий мезондир.

Обиджон ҲАМРОЕВ,  
Марказий сайлов комиссияси аъзоси.

### ЎРТАЧЎЛ ПАХТАСИ

Қизилтепа туманидаги «Янгиқудуқ» ҳужалиги «Навоий вилоятига биринчи бўлиб маррага етди. Пахтакорлар ўртачўлда 400 гектар майдонда ҳосил етиштириб қабул пунктига 700 тоннадан зиёд «оқ олтин» топширди. Ўртача ҳосилдорлик 18 центнерни ташкил этди.

Хали далада ҳосил мўл. Ҳўжалик миришкорлари ялғи хирмонни 1000 тоннага етказиш учун термини қизгин давом эттирмоқда.

### КЎНГИРОТ ТОЛАСИ - ХОРИЖГА

«Кўнгирот толаси» ҳиссадорлик жамятига жамоаси бу йилги ҳосилдан олинувчи тоналани бирортмага мувофиқ хорижга жўната бошлади. Темир йўл орқали Скандинавияга дастлабки 200 тонна тола жўнатилди.

## Қатагон қурбонлари

# ГИРДОБ

бошланди.

Алихонтўранинг 1917 йилда туғилган ўғли Асилхонтўра биз билан суҳбатда шундай деди: «Отамиз Совет воқеалигини ўз кўзи билан кўриб, 1918 йил Тўқмоқдан Қозоғистоннинг Қора Кўнги шаҳрига ўтиб, бу ерда дунгандар билан кўп вақт бирга яшайди. Улар орасида ишончли шоғирлари ва дўстлари бор эди.

Отамиз қосимовчилар ҳаракати деб номланган ватанпарварларнинг яширин ташкилида ҳам қатнашиб, ушбу ташкилотнинг Пишкек (ҳозирги Бишкек), Тўқмоқдаги вакили бўлганлар. Отамиз мустақиллик учун кураш деганда, аниқ мақсадли яхши ташкил этилган, интизомли ва фидоийлик руҳи билан суғорилган ҳаракатни ту-

лан бирга яшаётган бошқа элатлар ҳам отамизни бошларига кўтарди. Фулжанинг энг обрўли кишиларидан бири бадавлат ўзбек фарзанди Рўздатқожи отамизни қамқондан озод қилишга эришди: «Шу вақтга келиб, барча мусулмонлар ва бошқа миллатлар ўртасида ҳам ўзаро ишонч, ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда кўрсатган фидокорликлари натижасида Алихонтўранинг мавкелари жуда ортиб кетди... Кўпинча омма олдида чиқишларида хуррият учун курашга чақирувчи юғларни очикдан-очик тарғиб қила бошладилар.

1937 йилга келиб Собик иттифокда бошланган зиёлиларни катагон қилиш Уйғуристонда ҳам кузатилди. Чунки, Уйғуристон диктатори -

ки қийимда савдо ишлари билан шуғулланаётган пайтларида бир одам келиб салом беради. У шўролар жосуси эди. Алихонтўра ўзини Мамадохунман деб, шу номдаги сохта ҳужжати кўрсатади. Хуллас, барчага маълум отамиз 1937 йилдан 1941 йилгача турмада ётганлар ва умр бўйи қамқоқ жазосига ҳукм қилинганлар.»

1941 йили Марказий Хитой ҳукумати томонидан ўтказилган адилиявий тафтишлар натижасида советларга қарши деб топилган барча маҳбўслар озод қилинган. Алихонтўра қамқондан чиқиб, Фулжани тарқатиб, четроқдаги бир дўсти яйловга дам олишга кетди. Орқасидан Фулжадаги совет консули ҳам уни қидириб топиб, унга ўз мўддасини айтди, шўролар Шарқий чегараларни мустаҳкамлаш учун

## «Ишонч» бонг уради

қилувчи Шавкат Искандаров ҳам устаси фаранг экан. Лекин унинг устамчилиги узокқа бормади. Истеъмол муддати ўтган йилнинг октябрида туғган «HOLSTEN» пивосини одамларга алдаб сотаётган пайтида кўлга тушди. Шавкат сизими 0,33 литр бўлган тунука банкларнинг остки қисмида кўрсатилган ишлаб чиқариш муддатини ацетон суюқлиги билан ўчириб, қалбаки таъма би-

экан. Демак, у энди кўлбола арок ишлаб чиқаришга киришаётган экан. Солиқчилар ноқонуний ишларнинг олдини олмаганларида пул деса ўзини томдан ташлайдиган бу сохта тадбиркор эрта-индин яширин арок чечини ҳам очарди.

Солиқчилар текшируви юзасидан расмийлаштирилган ҳужжатлар асосида Ш.Искандаровга нисбатан жиноий иш қўзғатилди. Хозир суриштирув ишлари

тиб ўтирганида кўлга туширишди. Текширув давомида у истикомат қилаётган Зангиота тумани «Мустақиллик» жамоа ҳўжалиги Гўзал кўчасидаги хонадонда яширин арок чечи йшлаб турганлиги маълум бўлди.

Ўтказилган тезкор тадбир давомида умумий қиймати 77 минг сўмлик 321 шиша кўлбола арок, сон-саноксиз ёрлик ва қопқоқлар, турли хил мослама-

риш, республикамыз ҳудудида алкоғоли ва тамаки маҳсулотларини сотишдан бюджетга тушумни кўпайтириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида назорат тартибида 946 та текширув ўтказдилар. Шунда 936 ҳолатда юридик ва жисмоний шахслар томонидан солиқ қонунчилиги бузилаётганлиги аниқланди. Текширувлар давомида амалдаги қонунчиликка зид равишда савдога кўйилган 11,3 миллион сўмлик тамаки маҳсулотлари ва 117,7 миллион сўмлик спиртли ичимликлар олиб қўйилди. Қонунбузарлардан 378 нафари маъмурий жавобгарликка тортилиб, улардан 1,7 миллион сўм миқдориди жарима ундириб олинди. 188 нафар шахс устидан жиноий иш қўзғатилди.

Бундай жазолар шайтонга шерик бўлиб, қонунбузарлик йўлига кирувчилар учун аччиқ сабоқ бўлиши керак. Зеро, юқоридидаги ҳолатлар ҳар қандай қонунбузарликнинг оқибати вой эканлигини исботлаб турибди.

Жасур НОСИРОВ.

# ЭСКИ ПИВОНИ КЎПИРТИРИБ, ШАЙТОНГА ШЕРИК БЎЛИБ

дан эса 15,1 миллион сўмлик йиғилиб қолибди.

Ушбу қонунбузарлик юзасидан жиноий иш қўзғатилди, ҳозир суриштирув ишлари олиб борилмоқда. Истеъмолга яроқсиз ичимликларни одамларга алдаб сотганлар энди жазосиз қолмайдилар.

Истеъмол муддати ўтиб кетган пиволарни кўпиртириб сотишда Шайхонтохур туманидаги Маркази 27 мавзесида истиқомат

лан унинг истеъмол муддатини ўзича 1999 йил ноябрда «ўзайтириб» қўйган эди. Солиқчилар хонадондан 216 банка шундай пивони топдилар. Қолган 1800 банка эски пиво ҳам далилий ашё сифатида олинди.

Текширув давомида Шавкатнинг бошқа сирлари ҳам очилиб қолди. У турли-туман спиртли ичимликларга елимланган эрликларни фамлаб қўйган

олиб борилаяпти.

Шаҳар солиқчилари фош этган қонунбузарликлар тезда кўпчиликнинг қулоғига етди. Эси борлар эсини йиғиб, ноқонуний ишлардан ўзини тийди. Эси йўқлар эса ўз билганидан қолмай кўпчилик ўртасида изза бўлди. Уларнинг бири зангиотлик сохта тадбиркор Бакир Саъдуллаев бўлиб қичди.

Тўшкентлик солиқчилар Бакирни кўлбола арок со-

лар олиб қўйилди. Расмийлаштирилган ҳужжатлар чора қуриш учун Тошкент вилоят давлат солиқ бошқармасига юборилди.

Шундай ноҳуш ҳолатлар рўй бермаслик учун Тошкент шаҳри солиқчилари ҳамма соҳани хушёрлик билан назорат қилиб бормоқдалар. Ўтган ойларида улар ҳукуматимизнинг алкоғоли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг айланishi устидан давлат монополиясини кучайти-

## ШАРҚИЙ ТИМОР: «ИНТЕРФЕТ» ТИНЧЛИК ЎРНАТАДИ

Шу кунларда жаҳон жамоатчилиги эътибори Шарқий Тиморга қаратилган. Бу ерда қарий бир ойдан буюн бекарорлик ҳўкм сумурмоқда. Ҳалқ тартибсизлик, талончилик ва хунрезликлар авжига чиқмоқда.

30 август кўни БМТ раҳнамоларида Шарқий Тиморда мустақиллик бўйича референдум ўтказилди. Унда шитроқ эртан 450 минг кишининг 78,5 фоизи мустақиллик учун овоз берди. Шу билан Шарқий Тиморнинг Индонезия тарқибидан чиқиш муаммоси ҳал бўлгандек эди.

Афсуски, ўлканинг мустақилликка эришиш жараёни осон кечмаётгани. Индонезия тарқибида қилиш тарафлари бўлганлар чинакам хунрезлики бошлаб юборди. Вилоятнинг маъмурий маркази бўлган Дили шаҳри улар қўлида қолди. Шаҳарда ялғи террор бошланди.

Санқиди кунлар ичида етти минг киши ҳалок бўлди, қон-

қинлар сони 250 мингга етди, шаҳарлар ўт ичида. Бир сўз билан айтганда, мустақиллик йўлида беҳисоб қурбонлар, вайронгарчиликлардан ўтишга турри келимоқда.

1586 йилдан Портуғалия мустақиллиги бўлган мазкур ўлка Тимор оролининг шарқий қисмида жойлашган Шарқий Тимордаги Камбинг ва Эко ороллари ҳамда Муси-Амбону кенгликлари ҳам унинг тарқибига кирди. Шарқий Тимор нўфуси 850 минг кишидан иборат.

1975 йили Портуғалия маъмурияти ўлкадан кетгач, мустақиллик тарафдорлари билан Индонезияга қўшиқлишини исталганлар ўртасида тўқнашувлар бошланиб кетди. Бу охири-охирида фуқаролар урушига олиб келди. Орадан бир йил ўтиб Индонезия ўлкани ўзига қўшиб олди. Гарчи, 23 йил мобайнида Шарқий Тимор Индонезия тарқибида ушлаб турилган бўлса-да, мустақиллик учун кураш бир зум ҳам тингани йўқ. 1976 йилдан то ҳозиргача бу йўлда 200

миנגдан зиёд одам ҳалок бўлган.

Референдумдан кейин Шарқий Тиморда вазият шу қадар кескинлашиб кетдики, натижада президент Бурхонуддин Ҳабийбий ўлкада комендантлик соати эълон қилишга мажбур бўлди. Ҳавфсизлик кўчларига жангариларни қуролсизлантириш, ҳибсга олиш, қаршилик кўрсатса, оғоҳдантирмасдан ўтқизиш ҳўқуқи берилди.

Таъсифки, кескин чоралар вақтинчаликларни тийишга оғизлик қилди. Нҳоят, 8 сентябр кўни БМТ Ҳавфсизлик кенгаши делегацияси Шарқий Тиморга ҳалқаро тинчлиқни сақлаш кўчларини қиритиш масаласини ўрганиш учун Жакартага келди. Халқаро ҳамжиҳатининг давлатлари натижасида президент Бурхонуддин Ҳабийбий Индонезия ҳўкумати Шайхонтохурга ҳалқаро тинчликни сақлаш кўчлари қиритилишига рози эканини маълум қилди. 20 сентябрдан Дили шаҳрига ҳалқаро тинчликни сақлаш кў-

лари кела бошлади. «ИнтерФЕТ» деб юртилаётган 7 миңдан иборат бу қўшан сафига йигирмата мамлакат ўз харбийларини юборган.

Индонезия ҳўкумати «ИнтерФЕТ»га Шарқий Тиморда тинчлик ўрнатиш учун расман ваколат берган. Шу боис халқаро тинчликни сақлаш кўчлари Шарқий Тимор ҳудудини ўз назоратига олди. Улар жангариларни қуролсизлантириб, БМТ миссиясининг маҳаллий аҳолига инсонпарварлиқ ишлари кўрсатиш борасидаги тадбирларини кўлаб-қуватлайди.

Ҳозир «ИнтерФЕТ» мустақиллик қурашчилари учун нажот рамзига айланган. Зеро у ўлкада Индонезия тарқибидан чиқиш ва мустақиллигини мустаҳкамлаш жараёни тинч кечиши учун барча зарур шарт-шароитни яратиб беришга ҳаракат қилмоқда.

Саидмурод РАҲИМОВ,  
ЎзА шарҳловчиси.

## НОДАВЛАТ ТАРМОҚҚА ЭТИБОР

Андижон вилоят касабачилари кенгашининг пленуми бўлди. Унда кенгаш раиси А.Содиқовнинг «Нодавлат тармоқ корхоналарида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш ва меҳнатни муҳофаза қилишда касабачилар ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш ҳақида»ги маърузаси тингланди.

Маърузачи кейинги йилларда нодавлат тармоқда ишловчилар манфаатларини ҳимоялаш борасида эришилган қатор ютуқларни таъкидлаш билан бирга, касабачилар ташкилотлари этиборидан четда қолаётган масалаларга, йўл қўйилаётган хатокамчиликларга ҳам тўхтади. Жумладан, айрим хусусий корхоналарда меҳнат тўғрисидаги қонунларнинг бузилиш ҳолларига йўл қўйилаётганлиги, меҳнат муҳофазасига етарли эътибор берилмаётгани, баъзи-бир қўшма корхоналарда касабачилар ташкилотлари тузишга лўқайдлик билан муносабатда бўлинаётгани таъкидлаб ўтилди.

Музокарада сўзга чиққанлар нодавлат тармоқ корхоналарида касабачилар ташкилотлари тузишга лўқайдлик билан муносабатда бўлинаётгани таъкидлаб ўтилди.

Музокарада сўзга чиққанлар нодавлат тармоқ корхоналарида касабачилар ташкилотлари тузишга лўқайдлик билан муносабатда бўлинаётгани таъкидлаб ўтилди.



Монреал

Ш.НЕЪМАТОВ.

Футбол-99

## ТАШАББУС - МЕҲМОНЛАРДА

Ўзбекистон Республикаси XIII миллий чемпионатида иштирок этувчи олий табақа жамоалари 24 тур учрашувларини ўтказдилар. Пешқадамлар сафида бораётган «Самарқанд» жамоаси Қаршида «Насаф» билан учрашди. Учрашувнинг дастлабки дақиқаларида самарқандликлар ташаббусни ўз қўлларига олдилар. Уйиннинг ўинчи дақиқасида Равшан Бозоров майдон эгалари дарвозасини ишғол қилиб ҳисобни очди. Сўнгра майдон эгаларининг қарши ҳужумларидан бирида меҳмонлар кўпол хатога йўл қўйдилар. Ҳакам уларни 11 метрлик жарима тўпи билан жазолади. Анвар Бердиев дарвозани аниқ нишонга олиб, ҳисобни тенглаштирди. Бироқ, бу ҳали ҳаммаси эмас эди. Танафусгача меҳмонлар яна икки тўп киритиб, ҳисобни 3:1 га етказдилар.

Иккинчи бўлимда майдон эгалари ҳужумга зўр бердилар. Аввал Анвар Бердиев, олтиинч тўққизинчи дақиқада эса Зафар Холмуродов меҳмонлар дарвозасини учинчи марта ишғол қилиб, самарқандликларни нақд галабадан маҳрум этдилар. Ҳисоб - 3:3.

Турнинг марказий учрашуви Тошкентда «Пахтакор» ва «Нефтчи» жамоалари ўртасида ўтказилди. Учрашув фарғоналиклар ташаббуси остида ўтди. Йигирма бешинчи дақиқада Шерзод Райимжонов жарима тўпини Павел Бугало кўриқлаётган дарвозага киритди ва ҳисобни очди. Иккинчи бўлимда эса Асад Дўрмоновнинг узок масофадан туриб берган зарбасидан сўнг ҳисоб 2:0 га етди. Пахтакорчилар битта жавоб тўпи киритишга муваффақ бўлдилар, холос. «Нефтчи» сафарда муҳим галабани қўлга киритиб, муҳим уч очкога эга бўлди.

Қолган учрашувларда қуйидагича натижалар қайд этилди: «Хоразм» - «Сурхон» - 2:2, «Зарафшон» - «Трактор» - 0:1, «Бухоро» - «Янгиер» - 1:0.

«Сўғдиёна» - «Темирйўлчи», «Андижон» - «Дўстлик» ва «Металлург» - «Навбахор» учрашувларида бир хил ҳисоб қайд этилди. Рақиблар биттадан тўп киритиб учрашувни 1:1 ҳисобида якунладилар.

Чемпионатда навбатдаги тур учрашувлари 2 октябр шанба кuni ўтказилади.

Талъат ЮСУПОВ.

### ЖАМОАЛАРНИНГ ХХІV ТУРДАН СЎНГ ТУТГАН ҲАМ О

Жамоалар	Ҳ	О	Д	М	Т-Н	О
1. «Дўстлик»	24	17	3	4	67-33	54
2. «Нефтчи»	24	15	3	6	54:30	48
3. «Самарқанд»	24	13	7	4	51:31	46
4. «Навбахор»	23	12	6	5	41:30	43
5. «Хоразм»	24	10	5	9	33:28	35
6. «Пахтакор»	21	10	4	7	47:34	34
7. «Бухоро»	23	9	5	9	40:37	32
8. «Металлург»	24	9	5	10	28:30	32
9. «Насаф»	23	9	4	10	34:41	31
10. «Андижон»	24	8	6	10	39:39	30
11. «Темирйўлчи»	24	9	3	12	38:62	30
12. «Трактор»	24	8	5	11	36:52	29
13. «Сўғдиёна»	23	7	5	11	32:41	26
14. «Зарафшон»	23	6	4	13	29:44	22
15. «Сурхон»	24	5	6	13	31:43	21
16. «Янгиер»	24	3	5	16	17:41	14

### Фаройиб олам

#### ЙИЛИГА УЧ МИЛЛИОН ДОЛЛАР

Париждаги оқсуяклар яшайдиган маҳаллалардан зотида истикомат қилувчи машур бир этган йил ҳисобида уч миллион доллар ишлади. У ҳеч қанака машур актёр, меросхўр ворис ёки шахзода эмас, балки Людовик лакабли улкан инглиз ити.

Ит деярли ҳаммаша шахсий «Ягуар»да эгаси билан сайр қилиб юради. Бу ит дунёдаги зотдошлари орасида энг улкани ҳисобланади.

Людовикнинг бошидан то думигача бўлган узунлиги икки ярим метрдан ортиқроқ. Вазни эса бир ярим центнерга яқин. Итнинг ҳар қунги овқатини беш кило лаҳм гўшт, балиқ ёғи, сабзавот ва витаминлар ташкил этади. Албатта бу анчагина муаммо тугдирди, бироқ итнинг ҳужайини Луи бундан асло норози эмас. Людовик ҳаммаша камералар қуршовида, реклама бизнесларида иштирок этади. Ҳатто баъзан рок юлдузларининг клипларида ҳам иштирок этиб туради. Шундай экан у нафақат ейишичишига, балки эгаси билан тўкин-сочин яшашлари учун ҳам етарли маблағ ишлаб топади.

#### ТЎТИКУШЛАР ШИФОХОНАСИ

Нихоят бу ноёб жониворни сақлайдиган ишқибозлар ҳам тинчланадиган бўлишди. Бу гапдонларнинг ҳаммалари бемалол тиббий назоратдан ўтиш, шунингдек, ўз талаффузларини махсус кўридан ўтказиш, зарур бўлса, керакли муолажа олиш имкониятига эга бўлдилар.

Австралиянинг Мельбурн шаҳрида очилган шифоҳона айнан гапирувчи қушлар билан ишлашга мўжаланган. Ҳозиргача бу ерда ўз нафар тўтикуш тиббий куриқдан ўтказилди. Ишқибозларнинг гапларига кўра бундай назоратдан сўнг, қушлар ўзларини ниҳоятда яхши ҳис этишмоқда.

#### АМЕРИКАЧА МУНОСАБАТ

Американинг Тампа шаҳрида истикомат қилувчи Майкл Рили телефон буткаси ёнида навбат кутиб турган эди. Телефонда гаплашаётган қиз ҳали-бери тугатадиганга ўхшамасди. Майкл шу тарихида ярим соат кутади. Тоқати-тоқ бўлган, Майкл қиздан тезроқ гапини тугатишини илтимос қила бошлади. Аммо қиз ҳеч нарса бўлмаганидек, гаплашишда давом этаверди. Жазабаси кўзгаган Рилли будкани дўппослади. Бу муносабатдан ранжиган қиз чиқди-да, сумкасида сув солинган шиша олиб, уни деворга уриб синдирди ва Майклни қўлига бир неча бор синик шиша билан урди. Сўнгра ваҳшийлашган қиз синик шишани Майклни қорнига тикиб қўя қолди. Кейин эса ҳеч нарса бўлмагандек яна телефонда гаплашини давом эттира бошлади. Бу воқеани кўриб турган йўловчилар дарҳол полиция чақирди. Қизиги шундаки, полиция этиб келганда ҳам қиз ҳали телефонда гаплашишда давом этаётган эди.

### БҮЁК МОДДАЛАР

#### ХОСИЯТИ

Бўёқ моддалар қандай мақсадларда қўлланилади? Улар асосан, табиий материалларга ранг беришда, уларни бўяшда кўпроқ ишлатилади.

Шу билан бирга киши амалий фаолиятининг бошқа соҳаларида ҳам бўёқлардан фойдаланилади. Масалан, денгиз сувини олиб кўрайлик. Бу хил сув хилма-хил тузларга бой. Уларни ажратиб олиш учун сувнинг бугланниши тезлаштириш лозим. Бунда бугланиладиган ҳавзага бир тонна сувга 3 грамм ҳаммасида бўёқ модда қўшилиса, ҳавзадаги сув ўзига тушаётган нурнинг 90 фоизини ютади. Натижада буланиш бир неча марта тезлашади.

Бир қанча сунъий органик бўёқ моддалар дори-дармон сифатида ишлатилади. Масалан, қизил қонга бўёғи - қон ивишини тезлаштирадиган, яшил тош бўёғи - тери касалликларини даволайдиган, қизил стрептококк юқимли касаллигига қарши восита сифатида қўлланилади.

Фотопленка ва фотопластинкаларнинг муайян тўлқин узунлигидаги нурларга сезгирлигини ошириш ҳамда камайтиришда ҳам сунъий бўёқ моддалардан фойдаланилади. Бўёқ моддаларининг геологияга ҳам нафи бор. Ернинг ички тузилишини тадқиқ қилиш ва геология-қидирув ишлари олиб боришда ер ости сувларининг ҳаракатини ўрганиш фойда муҳим. Аммо, бу қийин иш. Бу мушуқликни бўёқ моддалар осонлаштиради.

### АМУ ТОНГИ...

#### ХАР ТЎҒРИДА

Нигериядаги Игбо Ора қишлоғини айна шундай аташади. Нимага дейсизми? Чунки мазкур қишлоқда ҳар йили кам деганда 50 марта эгизаклар дунёга келади.

#### ЭГИЗАКЛАР ҚИШЛОҒИ

Мутахассислар ҳозирча бу қизиқ ҳолатнинг ечими борасида аниқ бир тўхтама келганларича йўқ. Айрим олимлар эгизакларнинг кўп туғилишига сабаб сифатида қишлоқ иқлимини рўқач қилсалар, бошқа тоифадагилар эса бунинг бирдан-бир сабаби аҳолининг вегетариан- (гўшт эмаслик)лиги деб ҳисоблайдилар.

#### ЭНГ УЗУН МОНОЛОГ

Ер юзиде энг кўп гапирувчи халқ ирландлар эканлигини билсангиз керак. Буни яқинда Дублин ирланд университети талабаси яна бир бор исботлади. Узининг узундан-узок монологини шанба кuni бошлаб душанба кuni эрталаб, яъни 32 соату 25 дақиқа деганда тугатди. Тингловчилар бу вақт мобайнида маърузани тинглаб, бодрингдан қанча хосил олишаётганлиги-ю, наркоманияга қарши кураш қандай кечаётганлиги, ўз-ўзини гипноз

### БИР ҲАМ

#### 2732 ТА ГОЛ!

Ҳали бу каби ҳисоб миллионлар ўйини - футбол тарихида ҳеч учрамаган. Ахир, ўзингиз ўйлаб кўринг: дарвозалар бир эмас, ўн эмас, ўттиз ёки қирқ эмас, 2732 (!) марта ишғол қилинса-я! Ҳа, ишонверинг. Германиянинг Кетен шаҳрида икки талабалар жамоаси ўртасида ўтказилган учрашувда рақиблар ўз дарвозаларидан 2732 марта тўп (гол) ўтказиб юбордилар. Фақат шуниси борки, спорт залида ўтказилган бу учрашув 120 соат танафуссиз давом этди...

### Ҳикматлар

#### ЯХШИ СЎЗ - ЖОН ОЗИГИ

Сўзнинг таъсир кучи бекиёсдир. Чеки-наётган қўшинни тўхтатиш, мағлубиятни зафарга айлантириш ва мамлакатни қутқариб қолиш учун гоҳо ўринли айтилган биргина сўз кифоя қилган.

Э.Жирардел.

Сўзни кўнгулда пишкормагунча тилга келтурма,  
Ҳар неким кўнгулда бор - тилга сурма.

Кўнгул маҳзанининг қулфи тил ва ул  
Маҳзанининг калиди сўз бил.

А. НАВОЙИ

Сўз айтишдан аввал, ҳар дақиқада сен  
Сўз ортидан келадиган оқибатни ўйла.

И.П.ПАВЛОВ.

Сўз - буюк нарсас. Шунинг учун ҳам буюкки, сўз билан одамларни бирлаштириш, сўз билан уларни бир-бирдан юз кўрмас қилиб юбориш мумкин, сўз билан меҳрни қозониш, сўз билан нафрат ва адоватга йўлиқиш мумкин. Одамларнинг бир-бирдан ажратадиган сўзни айтишдан сақлан.

Л.ТОЛСТОЙ

Сўзни сўзламасанг, сенга қул бўлади,  
агар оғзингдан чиқарсанг, у сени қул қилади.

Ҳамма сўзни сўз деб гапирма узок.  
Керак сўзни сўзла бўлиб кўз, қулоқ.  
Ўқимишлини кўрдим, у оз сўзлади,  
Талай сўзлади, деб уринди бирок...

ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ.

Сўз - инсоннинг буюк қуролларидан бирдир. Ўрнида, сидқидилдан ва вақтида айтилган оддийгина сўз қудратли ва энгилмас кучга айланади. У сўзловчининг ўзини қизиқтириб юбориши, уни ва атрофдагиларни ўз нафислиги билан маҳлиё этиши мумкин.

А.Ф.КОНИ.

Қидирбой ТЎЛАБОВЕВ тайёрлади.

### МАКОЛ-МАТАЛЛАР

Ақл - одамнинг хазинаси.  
Оқарган соч, оққан ёшни яшириб бўлмас.

Одам дўсти билан танилар.  
Аллоҳ сабрли қулини суяр.

Одамдан уялмаган Аллоҳдан кўрмас.  
Ақлсиз бошининг оёғи гапириб.

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгаши Сурхондарё вилоят касабаси уюшмалари кенгашининг раиси Абдукарим Аҳмедовга падари Бузруквори  
Раҳмон Аҳмедовнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноти ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кўмитаси шу кўмитанинг бўлим мудири М.Абдумаликовга онаси  
Мапрат аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгаши Фарғона вилоят касабаси уюшмалари кенгашининг раиси Аҳат Мансуровга отаси

Набиҳон Мансуровнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

## «ЧОРТОҚ» СИҲАТГОҲИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

Бу ерда суяк-мушкул тери системаси, овқат ҳазм қилиш органлари, тери, гинекологик касалликлари билан келган беморлар даволанишади. Уларга махсус ҳаво, қуёш, ванналар қабул қилиш ва ичиш учун минерал сувлар, шунингдек, сунъий сульфидли шифобахш балчиқлар буюрилади. Парафин, мануал терапия, игна билан даволаш, сув ости массажи, физиотерапиянинг турли усуллари, даво физкультураси, пархез таомлар билан даволаш ва психотерапия қўлланилади. Республикада ягона умуртқа поғонасини тик турган ҳолда тортиб даволаш ўтган йилдан бошлаб қўлланилмоқда.

Улкан дарахтларнинг соя-салқинида ва гулзорлар қўйнида 7 та икки қаватли дам олиш корпуси, ёзги коттежлар, ошхона, ташхис, даволаш физкультураси бўлимлари, шифобахш ичимлик сув галереяси, қуёш ва ҳаво қабул қилиш жойи, ҳашаматли маданият саройи, кутубхона ва бошқалар қишин-ёзин дам олувчилар хизматида.

Санаторийга нақд пул тўлаш ёки пул ўтказиш йўли билан йўланма олиш мумкин.

Мулоқот учун телефонлар:  
(8-36922) 6-25-65 (8-36941) 2-32-61, 2-61-35

Манзил: Наманган вилояти, Чортоқ тумани, «Чортоқ» сиҳатгоҳи Наманган - Чортоқ маршрутли автобус билан борилади.

ISHONCH

МУАССИС:

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир  
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати:

Ж.Алимуҳаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб-«Ишонч»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78,  
136-58-45; Хатлар бўлими  
56-85-43; Реклама, эълонлар  
бўлими 56-87-73Газета 1991 йил 21 мартдан  
чиқа бошлаган

Маъилумат: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотува эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни  
босмихонаси. Корхона манзили:  
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.Босишга топшириш вақти  
- 21.00. Топшириш 22.50